UDK:635.25:631.5

ЎЗБЕКИСТОН ПИЁЗЧИЛИГИДА РИВОЖЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Садикова Шоҳида Обидқул қизи
Гулистон Давлат Университети таянч доктаранти
https://doi.org/10.5281/zenodo.17680644

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда пиёзчилик тармоғининг ривожланиш тенденциялари ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Монографик тадқиқотлар натижасида пиёз етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича муаллифнинг илмий асосланган таклиф ва тавсиялари баён этилган.*

Калит сўзлар: *пиёзчилик, агротехнология, ҳосилдорлик, иқтисодий самарадорлик, фермер хўжалиги, суғориш тизими, уруғлик таъминоти, аграр ислоҳотлар, экспорт салоҳияти, озиқ-овқат хавфсизлиги.*

Аннотация. *В статье с научной точки зрения анализируются тенденции развития луководческой отрасли в Узбекистане и направления повышения ее экономической эффективности. В результате монографических исследований выявлены основные факторы, негативно влияющие на экономическую эффективность выращивания лука, изложены научно обоснованные предложения и рекомендации автора по их устранению.*

Ключевые слова: *луководство, агротехнология, урожайность, экономическая эффективность, фермерское хозяйство, система орошения, семенное обеспечение, аграрные реформы, экспортный потенциал, продовольственная безопасность.*

Abstract. *The article analyzes the development trends of the onion growing industry in Uzbekistan and the directions for increasing its economic efficiency from a scientific perspective. As a result of the monographic research, the main factors negatively affecting the economic efficiency of onion cultivation were identified, and the author's scientifically substantiated proposals and recommendations for their elimination were presented.*

Keywords: *onion farming, agrotechnology, yield, economic efficiency, farming, irrigation system, seed supply, agricultural reforms, export potential, food security.*

КИРИШ

Сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган экологик, сиёсий инқирозлар оқибатида қишлоқ хўжалиги ресурслари нархларининг кескин ўсиши, глобал озиқ-овқат хавфсизлигига катта хавф солмоқда. Шунинг билан бир қаторда дунё аҳосини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан миқдор ва сифат жиҳатдан таъминлаш масаласи ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Хусусан, аҳолини кундалик озиқ-овқат истеъмолида пиёз маҳсулоти ҳам муҳим маҳсулотлар қаторида жой олган. Шу боис, пиёз бозори жаҳон қишлоқ хўжалиги тармоғининг муҳим сегменти бўлиб қолмоқда. Зеро, пиёз ўзининг ўзига хос таъми ва саломатлик учун фойдаси сабабли истеъмочилар томонидан қадрланиши ҳамда турли кулинария йўналишларида кенг қўлланилиши тенденцияси сақланиб қолмоқда. Шу боис, “...

жаҳон пиёз бозори ҳажми тахминан **39 миллиард АҚШ доллари**га баҳоланиб, **2030 йилгача 5% атрофидаги йиллик ўртача ўсиш суръати** кутилмоқда”[1].

Мамлакатимизда ҳам пиёз маҳсулотини етиштириш динамик ривожланишда бўлиб, экинларни диверсификацияси, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш ва экспорт имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолини даромадларини ошириш, соҳага инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш каби қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар соҳани барқарор ривожлантириш имкониятларини яратди.

Хусусан, 2023 йил 2016 йилга нисбатан пиёз экин майдони 31,3 минг гектардан 37,1 минг гектарга, яъни 18,5 фоизга ошган. Шунга мос равишда пиёз ялпи маҳсулоти 1273,6 минг тоннадан 1318,5 тоннага, яъни 3,5 фоиз кўп маҳсулот етиштирилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, пиёз етиштириш соҳасида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ҳудудлар кесимидаги иқтисодий фаолликни ҳам кучайтирди. Хусусан, деҳқон ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари улушининг ортиши маҳсулот етиштириш ҳажмини кенгайтириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ички бозорда талабни қондириш имкониятини яратди. Фермер хўжаликларининг улуши қисқарган бўлса-да, уларда замонавий агротехнологиялардан фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бирга, пиёз етиштиришдаги ўсиш экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жаҳон бозорида пиёз маҳсулотига бўлган талабнинг ортиши, республикадаги иқлим-шароитлари ва ишчи кучи имкониятлари ушбу тармоқда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имконини бермоқда. Бинобарин, тармоқдаги инвестиция фаоллигини ошириш, қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш пиёз етиштиришнинг барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз ҳудудлар кесимида пиёз етиштирувчи хўжалик субъектлари таркибидаги ўзгаришлар таҳлил қилинганда, фермер хўжаликларининг улуши айрим ҳудудларда пасайганлигини, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари улушининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Монографик тадқиқотлар олиб борилган Жиззах вилоятида фермер хўжаликлари улуши 2016 йилдаги 50,0 фоиздан 2024 йилда 60,9 фоизгача ўсган, деҳқон хўжаликлари улуши 50,0 фоиздан 21,9 фоизгача камайган бўлса, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг улуши эса 17,2 фоизгача кўтарилган.

Умуман олганда, таҳлил этилаётган даврда фермер хўжаликларининг улуши айрим ҳудудларда пасайган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва деҳқон хўжаликлари томонидан пиёз етиштириш ҳажми ортиб, тармоқда фаоллик кенгайгани кузатилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ялпи пиёз ҳосили ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур ўсиш, асосан, экстенсив омиллар яъни, пиёз етиштириш учун ажратиладиган экин майдонларининг кенгайиши ҳисобига таъминланмоқда. Бу ҳолат пиёз етиштириш соҳасида ҳосилдорлик самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар зарурлигини англатади.

Шу билан бирга, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, баъзи вилоятларда ҳосилдорликнинг пасайиш тенденцияси кузатилса-да, Жиззах вилоятида аксинча, ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Мазкур вилоятда пиёз етиштириш ҳажмининг ўсишига нафақат

экин майдонларининг кенгайиши, балки гектаридан олинаётган ҳосилдорликнинг сезиларли даражада ошиши ҳам катта таъсир кўрсатган.

Хусусан, 2010–2024 йиллар давомида Жиззах вилоятида пиёз ҳосилдорлиги 39,4 пунктга ошган. Агар 2010 йилда 1 гектар майдондан ўртача 199,8 центнер ҳосил олинган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 278,6 центнерга етган. Бу, ўз навбатида, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий агротехнологияларни жорий этиш, сифатли уруғлик материалларидан фойдаланиш ва суғориш тизимини такомиллаштириш каби омиллар самара берганини англатади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатда пиёз етиштириш соҳасидаги ўсишни фақат майдонларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки интенсив ривожланиш омилларига илғор агротехника усулларини қўллаш, минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланиш, ҳосилдор навларни яратиш ва агротехник чораларнинг оптималлашувига йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, “Пиёз экини майдонидан олинган ҳосилдорлик ошган сари шунга мос ҳолда ҳар бир тонна маҳсулот таннархи ҳам пасайиб боради. Чунончи, эрта баҳорга нисбатан эрта кузда экилган пиёз экини майдонидан олинадиган ҳосилдорлик камида 18-25 фоизга кўп бўлади” [2, 3].

Албатта, ҳосилдорликнинг барқарор ошиб бориши, энг аввало, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли, пиёз етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида Янгиобод туманидаги “Жилғалисой шабодаси” фермер хўжаликлари фаолияти таҳлил қилинди.

Қайд этиш жоизки, пиёзчилик тармоғининг ривожланишида табиий-иқлим шароити ва уруғчилик тизими асосий таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, зараркунандалар ва ўсимлик касалликлари тармоқ барқарорлигига жиддий таҳдид солувчи омиллар сифатида намоён бўлмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш учун илмий тадқиқотлар базасини мустаҳкамлаш, ихтисослашган лабораториялар ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ҳамда зарарли омилларга қарши самарали курашиш тизимини йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга.

Монографик кузатувлар натижаларига кўра, аҳоли ва фермер хўжаликларининг элита ҳамда F1 уруғлар билан етарлича таъминланмагани сабабли кўп ҳолларда паст сифатли маҳаллий ёки импорт уруғлардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Шунингдек, юқори ҳосилдор уруғлик етиштириш майдонларининг камлиги, сақлаш инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмагани ва вирусли ҳамда бактериал касалликларни аниқловчи замонавий лабораторияларнинг мавжуд эмаслиги пиёзчилик тармоғининг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Таҳлил қилинган хўжаликларда, асосан, “Банко”, “Катинка”, “Пантеро” ва “Орландо” каби серҳосил пиёз навлари етиштирилаётган бўлиб, мазкур навлардан гектарига ўртача 100–120 тонна ҳосил олинмоқда. “Жилғалисой шабодаси” фермер хўжаликларида эса бу кўрсаткич гектарига ўртача 140–150 тоннани ташкил этмоқда, бу эса самарали агротехнологиялар ва илғор бошқарув усулларининг қўлланилаётганидан далолат беради (жадвал).

Зомин туманидаги “Жилғалисой шабадаси” фермер хўжалигининг умумий экин майдони 46 гектарни ташкил этиб, шундан 16 гектар ерда пиёзнинг “Катинка” ва “Банко” навлари етиштирилмоқда. Барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга

оширилиши юқори самара бермоқда. Натижада хўжаликда 2020–2024 йиллар давомида пиёзнинг ялпи ҳосили гектарига 100 тонндан 145 тоннагача ўсган.

Жадвал таҳлиллари шуни кўрсатадики, 2024 йилда 1 гектар майдон учун сарфланган уруғлик харажатлари 2020 йилга нисбатан 110,3 фоизга ошган. Ҳар йили ўртача 10–12 кг уруғлик ишлатилган. Ёқилғи-мойлаш материаллари харажатлари ҳам жадал ўсиб, 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 212,3 фоизга кўпайган. Шунингдек, ҳар гектарга ўртача 550 кг минерал ўғит ва 5 кг кимёвий восита сарфланмоқда. 2024 йилда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар харажатлари мос равишда 162,6 ва 124,7 фоизга ошган.

Жадвал

Зомин туманидаги “Жилғалисой шабадаси” фермер хўжалигида пиёз етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, *(1 гектар ҳисобига)* [4]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				2024 йил 2020 йилга нисбатан, %
		2020		2024		
1	Ҳосилдорлик, ц/га	1000		1450		145,0
2	Ялпи ҳосил, тонна	1700		2465		-
3	**Жами харажатлар, минг сўм**	**39500**		**57740**		**146,1**
	Шу жумладан:	*қиймати*	*улуши*	*қиймати*	*улуши*	
4	Уруғлик, минг сўм	2409	6,1	2 657	4,6	110,3
5	ЁММ, минг сўм	2094	5,3	4 446	7,7	212,3
6	Минерал ўғитлар, минг сўм	3160	8,0	5 139	8,9	162,6
7	Кимёвий воситалар харажатлари, минг сўм	4069	10,3	5 077	8,8	124,7
8	Транспорт харажатлари, минг сўм	3832	9,7	6 351	11,0	165,7
9	Иш ҳақи (ажратмаси билан), минг сўм	20341	51,5	28760	49,8	141,3
10	Бошқа харажатлар (10%), минг сўм	3 595	9,1	5 310	9,2	147,7
11	**Ялпи тушум, минг сўм**	**115000**		**242150**		**210,5**
12	**Фойда, минг сўм**	**75500**		**184410**		**244,2**
13	**Рентабеллик даражаси, %**	**191,1**		**319,4**		**167,1**

Амалиётда кузатилаётган муҳим муаммолардан бири агротехник тадбирларни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган малакали мутахассислар, жумладан агроном ва тупроқшунослар етишмаслигидир. Бу ҳолат соҳанинг самарали ва барқарор ривожланишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Шунингдек, пиёз ҳосилини йиғиш, саралаш, қоплаш ва ташиш жараёнларининг асосан қўл меҳнатига таянилиши мавсумий ишчи кучи танқислигини

келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, пиёзчилик соҳасини комплекс механизациялаштириш, замонавий техника ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, пиёз етиштиришдаги умумий харажатларнинг қарийб 50 фоизидан ортиғи иш ҳақи харажатларига тўғри келиши бу йўналишдаги ислоҳотларни кечиктирмаслик зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш, агрономия ва механизация бўйича ихтисослашган марказлар фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, фермер хўжаликларини замонавий йиғим-терим, саралаш ва қоплаш техникаси билан таъминлаш бўйича давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ички бозор эҳтиёжларига нисбатан пиёз ҳосилининг 2,5–3 баробар ортиқ етиштирилаётгани маҳсулотни сотишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Фермер ва тадбиркорлар бозор конъюнктураси, экспорт имкониятлари ҳамда савдо йўналишлари ҳақида етарли ахборотга эга эмасликлари натижасида воситачиларнинг бозордаги таъсири кучаймоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчининг даромад улушини қисқартиради ва тармоқ рентабеллигини пасайтиради.

Шу муносабат билан, пиёзчилик соҳасида марказлаштирилган консалтинг ва маркетинг марказларини ташкил этиш, улар орқали фермерларга реал вақтда бозор нархлари, экспорт талаблари ва логистика имкониятлари ҳақида ахборот етказиб беришни йўлга қўйиш зарур. Яъни, бизнингча соҳада рақамли ахборот тизимини жорий этиш орқали бозор маълумотларининг ошкоралигини таъминлаш, фермерлар ва экспортёрлар учун ягона электрон платформа яратиш, шунингдек, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни мувофиқлаштирувчи агромаркетинг инфратузилмасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда пиёзчилик соҳасининг барқарор ривожланиши учун кадрлар етишмаслиги, паст механизация даражаси, уруғчилик тизимининг етарлича ривожланмагани ва бозор мувозанатсизлиги каби муаммоларни ҳал этиш устувор аҳамиятга эга. Бунинг учун соҳада илмий асосланган агротехник тадбирларни ташкил этиш, юқори сифатли маҳаллий уруғчиликни ривожлантириш, замонавий техника ва инновацион технологияларни жорий этиш, бозор ахборот тизимини рақамлаштириш ҳамда консалтинг ва маркетинг инфратузилмасини йўлга қўйиш зарур. Шу йўл билан пиёзчилик тармоғининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи манфаатдорлигини таъминлаш ва маҳсулот экспортини кенгайтириш имкони яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. FAO. https://www.verifiedmarketreports.com/ru/product/fresh-onions-market/
2. Юнусов С.А.Пиёзни суғориш.(14-китоб). Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 2025. – 72 б.;
3. Холдоров М.Ў.Пиёз етиштириш. (4-китоб). Тошкент. Тасвир нашриёт уйи. Агробанк АТБ.-2021. 67 б.
4. Жиззах вилояти Зомин тумани “Жилғасой шабадаси” фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ҳисоботлари маълумотлари.